

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Транспорт факультети

**Касб таълими (Транспортвоситаларини ишлатиш ва таъмирлаш)
кафедраси**

Факультет декани
_____доц.М.Хатамов
“ _____ ” _____ 2013 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”
Кафедра мудири
_____доц.А.Полвонов
“ _____ ” _____ 2013 й.

Хожиев Баходир
(27-КТТВИТ-09)

**Мавзу: Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий
таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари
бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш (Косонсой транспорт ва алоқа КҲК
мисолида)**

**5140900- Касб таълими (Транспортвоситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш)**

**Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган
битирув малакавий иши**

Раҳбар:

Мирзаев И.

Наманган -2013

АНОТАЦИЯ

Битирув малака иши _____ варақ тушинтириш ёзуви ва 5 варақ чизмадан иборат бўлиб, умумий, асосий, ўқитиш методикаси, педагогик тажриба ва унинг натижалари, меҳнат муҳофазаси қисмларидан, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малака ишини чизма қисмида Автомобилга ТХК ва ЖТда иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш бўйича ишланмалар асосидаги чизмалардан иборат.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб ҳунар коллежининг қисқача тавсифи, малака тавсифи ва битирув малака иши мавзусини асослаш берилган. Асосий қисмида ўқув хонасини лойиҳалаш, ўқув хонасини вазифаси ва унга қўйиладиган талаблар, ўқувчиларнинг иш жойларини ташкил қилиш, автомобилга ТХК ва ЖТда иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича дарс материалликелтирилган. Ўқитиш методикаси қисмида автомобилга ТХК ва ЖТда иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси қисмида меҳнат муҳофаза қилишни бошқариш берилган.

Мундарижа

Кириш

1. **Умумий қисм**
 - 1.1 Косонсой транспорт ва алоқа касб ҳунар коллежининг қисқача тавсифи
 - 1.2 Малака тавсифи
 - 1.3 Битирув малака иши мавзусини асослаш
 2. **Асосий қисм**
 - 2.1 Ўқув устахонасини лойиҳалаш
 - 2.1.1 Ўқув устахонасининг вазифаси ва унга қўйилган асосий талаблар
 - 2.1.2 Ўқув устахоналарини режаси
 - 2.2 Ўқувчиларнинг иш жойларини ташкил қилиш
 - 2.3 Иш ўрнини ташкил этиш бўйича дарс материали
 - Методик қисм**
 - 3.1 **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари мавзуси бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш**
 - 3.2 Ўқув амалиётини ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар
 - 3.3 Ўқувчиларнинг билимларини текшириш учун намунавий тест саволлари
 - 4 **Иқтисодий қисм**
 - 4.1 Педагогик тажриба ва унинг натижалари
 - 5 **Меҳнат муҳофазаси қисми**
 - 5.1 Меҳнат муҳофаза қилишни бошқариш
- Хулоса**
Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳиятини ва умуминсоний кадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан дунёга келган таълимнинг «Ўзбек модели» халқаро миқёсда энг обрўли мутахассислар томонидан тан олинмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти курмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришни шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқуқ атворнинг андозаларини ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва психологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон республикаси тараққиётининг муҳим шартидир [3].

«Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон республикаси қонунинг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган [5].

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замоавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида [6]

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини руёбга чиқаришни ҳар томонлама камол топган жамиятга турмушга мослашган таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Бундай кадрлар Олий таълим тизимини икки босқичида-бакалавриатура ва магистратурада тайёрланади. Бакалаврият дастури тугагандан сўнг битирувчилар Давлат аттестацияси якунига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади. Бунинг учун талабалар ўқиш даврини якунида «Битирув малака иши» бажарадилар.

Менга битирув малака иши сифатида **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш (Косонсой транспорт ва алоқа КХК мисолида)** мавзуси бириктирилган эди. Бу мавзуни долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда коллеж ишлаб чиқариш базалари етарли даражада жиҳозланган, лекин ўқув амалиёти ҳоналарида ўқувчиларни амалий иш қилишлари учун етарли даражада шароит яратилмаган ва бу устахоналарда амалиёт ўтиш даврида ишчи ўринларини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича йўриқномалар мавжуд эмас.. Баъзи касб-ҳунар коллежларида Чет эл гранти бўйича келтирилган жиҳозлар умумий битта хонага териб қўйилган. Автомобилларни тузилиши, автомобиллар ва двигателларга ТХК, Автомобил ва двигателларни таъмирлаш, автомобил электр жиҳозлари ва уларга хизмат кўрсатиш фанлари битта хонада ўтилади

Ҳозирги касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларга қуйидаги талаблар қўйилган:

- янги техника (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «ЎзДЭУавто» енгил автомобиллари ва «Отайўл» (ИСУЗУ) юк автомобиллари ва автобуслар ҳамда чет элдан келтириб эксплуатация қилинаётган замонавий автомобиллар) ва технологияларни (замонавий автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни янги усуллари) билишлари лозим;

Касб-ҳунар коллежини битириб чиққан ўқувчилар бир нечта (2-5 та) мутахассисликни эгаллаб, танлаган йўналиши бўйича кичик мутахассис бўлиб чиқади.

Юқоридаги муаммоларни ҳисобга олиб битирув малака иши қуйидагиларни ўз ичига олади: мавзунини асослаш, касб ҳунар коллежи ишлаб чиқариш базасини лойиҳалаш, унинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлашда ишчи ўринларини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича тавсия ишлаб чиқишдан иборат.

1.1. Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи тавсифи

Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 23-сентябрдаги 406-сонли 1998-2005 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларини моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда мабла\ билан таъминлаш дастури тўғрисидаги қарори асосида 2001 йил ташкил топилган бўлиб, Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази Наманган вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси таркибига киради.

Касб-хунар коллежи давлат стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар билимини берадиган ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган янеги турдаги ўқув юртидир.

Таълим шакли кундузги. Касб-хунар коллежи битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган нусхадаги диплом берилади, унда ўрта махсус касб таълими йўналишлари ва мутахассисликларини классификатори таснифлашни мувофиқ мутахассислик бўйича берилган малака кўрсатилади.

Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи Косонсой шахрини Й.Охунбобоев кўчасида жойлашган. Давлат банкида ҳисоб рақамига эга. Касб-хунар коллежига қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларини якуний Давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимнинг тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича ихтиёрий равишда танлаган мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Касб-хунар коллежида ўқиш муддати 3 йил мутахассисликлар ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторлари асосида тайёрланади.

Косонсой саноат, транспорт ва алоқа коллежида қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади:

Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
Бухгалтерия ҳисоби
Компютер операторлари
Электрогаз пайвандчилар
Электр тармоқларига хизмат кўрсатиш
Ёнилғи мойлаш материаллари
Тикувчилик

1.2. Малака тавсифи

Хозирги кунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда жараёнида тайёрланаётган мутахассислар замон талабларига мос бўлишлари шу бугуннинг талаби. Касб-хунар коллежларида автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассисликларини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиздаги касб-хунар коллежларида автомобил транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича қуйидаги:

Тайёрлов йўналиши: Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш

Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш

Касби: Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича уста.

Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш

Мутахассисликлар:

- Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш
- Автомобилларни электр жихозларини таъмирлаш электриги
- Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш
- «В» ва «С» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш йўналишининг қўлланиш соҳаси ва вазифаси. Ушбу йўналиш бўйича Давлат ва нодавлат автокорхоналар учун автомобилларни ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарадиган кичик мутахассисликлар тайёрланади.

Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш тайёрлов йўналиши бўйича

тайёрланган кичик мутахассис меҳнат бозорида қуйидаги лавозимда фаолият кўрсатади:

- Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар;
- Автомобилларни электр жиҳозларини таъмирлаш электриги;
- «В», «С» тоифали ҳайдовчи.

Стандартда белгиланган зарур ва етарли мазмуни, касбий таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга кичик мутахассис малакаси берилади.

Касбий таълимни чуқурлаштириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўқув муассасаларида ва махсус курсларда кейинчалик малакани ошириш амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида касбий фаолиятни мазкур соҳасида янада юқорироқ малакага эришилади.

Ушбу тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассисликлар меҳнат бозорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълим Маркази, Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасалари битирувчисининг фаолияти йўналишлари эгаллаган касблари, лавозимлари тариф разрядларининг оралиғи» меъёрий ҳужжат асосида қуйидаги лавозимлар бўйича келтирилган тариф разрядлари бўйича ишлашлари мумкин: транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар 3-6 тариф разряди; электрик ва «В» ҳамда «С» тоифали ҳайдовчилар.

1.3. Битирув малака иши мавзусини асослаш

Косонсой транспорт ва алоқа касб хунар коллежи ишлаб чиқариш базаларини таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда коллежда ҳамма ўқув хоналари ва устахоналар жиҳозланган. Касб-хунар коллежи Жанубий Корея республикаси гранти асосида жиҳозланган. Жиҳозлар ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш устахонасини таҳлили шуни кўрсатадики, устахонада ҳамма жиҳозлар етарли даражада ўрнатилган, лекин кўпгина жиҳозлар олиб келинган вақтидан ҳозиргача ишга туширилмаган. Сабаби баъзи жиҳозларни ўрнатиш учун мутахассис бўлмаган, баъзиларини қисмларида камчиликлар бўлган.

Бундан ташқари биз амалиёт ўтган даврда коллеждаги ўқув амалиётлари деярли ўтилмади. Жиҳозланган устахонани таҳлил қилганимизда, хонани бандлик коэффиценти жуда юқори, жиҳозлар тўғрив жойлаштирилган амалиёт ўтиш учун етарли шароит яратилмаган, ўқувчиларни иккита ёнма-ён жойлаштирилган жиҳозларда ишлаган вақтларида бир-бирига ҳалақит беришади. Ишчи ўринлари меъёридан кам. Амалиёт ўтиш учун текшириш жиҳозлари, калитлар тўплами, кўтаргичлар, домкрат ва бошқа керакли жиҳозлар йўқ. Талабаларни мустақил ишлаши учун касб хунар коллежида шароит йўқ. Талабалар автомобилни тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, электр жиҳозлари ва бошқа мутахассислик фанларидан амалий иш бажаришлари учун автокорхоналарга ёки устахоналарга бориб ўрганиб келишларига тўғри келади. Бундан ташқари автомобилларни куч узатмаларини қисмларга ажратиш ва йиғишлари учун технологик хариталар, кўрсатмали материаллар ва электрон кўргазмалар йўқ. Устахоналарда иш ўринлари тўғри ташкил этилмаган ва хавфсиз ишлаш учун йўриқномалар ва кўрсатмалар ҳамда электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва кўтариш-ташиш қурилмаларида ишлаш учун махсус белгилар қўйилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз битирув малака ишида Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб хунар коллежи базасида **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқишни** мақсад қилиб олдик ва қуйидагиларни ечдик:

- устахонани лойиҳалаш;
- устахонани жиҳозлаш;
- устахона майдонини ҳисоблаш;
- ўқувчиларни иш жойларини ташкил этиш;
- Автомобилга ТХК ва ЖТ иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш;
- педагогик тажриба ва унинг натижалари;
- -меҳнат муҳофазаси бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

2.1. Ўқув устахонасини лойиҳалаш

Ҳар бир коллежда ўқув устахонаси, лабораториялар, ўқув хўжалиги, техник хизмат кўрсатиш пункти, машина саройлари, иссиқ хоналар ва бошқа участкалар бўлиши керак.

Бу устахоналарда ишлаб чиқишга максимал яқинлашиш шароитлари яратилади. Бунда кўпроқ эътиборни ўқув хўжаликларига берилади.

2.1.1. Ўқув устахонасининг вазифаси ва унга қўйилган асосий талаблар

Коллежда ўқув устахоналари ўқувчиларга касб асосларини меҳнат ҳаракатлари, операцияларини ишчи бажарадиган вазифаларни, тегишли касб учун асос бўлган ишларни бажариш усуллари сифатли ўрганиш учун махсус шароит яратиш мақсадида ташкил этилади. Турли касблар бўйича меҳнатнинг мазмунига, ишлаб чиқариш ишларининг ўзига хослигига қараб, турли касблар учун ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълимининг муддати турличадир. Чилангар, автомобил ҳайдовчилари, пайвандчи ва шунга ўхшаш касбларга, яъни ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли қўшиб олиб бориш мумкин бўлган жойларда ўқувчилар ўқув устахоналарида уч йил эмас 1-2 йил таълим олади. Бу таълим даврининг 50-60 фоизини ташкил қилади. Ишчилар меҳнати мураккаб, қимматбаҳо, йирик ўлчамли ишлаб чиқариш устахоналарига хизмат кўрсатиш, уларни тузатиш, созлаш билан, мураккаб технологик жараёнларини, қурилиш-монтаж ишлари ва шунга ўхшаш ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа касблар бўйича ўқув устахоналари фақат асосий ҳаракатлар ва операцияларини ўрганиш учун ташкил қилинади. Чунки тўла технологик жараёнини бажаришга ўргатиш учун махсус ўқув шароитини вужудга келтириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Касб бўйича меҳнат мазмунининг хусусиятига қараб ўқув устахоналарида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими уларнинг унумли меҳнат жараёнида ўтказилади. Шу сабабли ўқув устахоналари таълим талабларига ҳам, ишлаб чиқариш талабларига ҳам мувофиқ бўлиши зарур.

Ўқувчиларнинг иш ўрнини режалаштириш, ташкил этиш ва жиҳозлаш, ўқув устахоналари ташкил этиш ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари, табиийки турли касблар учун турличадир. Аммо умуман ўқув устахоналари учун хос бўлган бир қатор умумий талабларни ажратиш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларида алоҳида ўқув устахоналари 15-30 ўқувчи учун мўлжалланган бўлиб, бошқа хоналардан ихота қилинади. Ҳар бир касб учун алоҳида ўқув устахоналари қурилади.

Ўқув устахоналарисиз юқори малакали ишчилар тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмасдир. Ҳамма касб-ҳунар коллежлари намунавий қурилган ўқув устахоналарига эга бўлиши керак ва замонавий юқори иш унумли дастгоҳ, механизмлар ва асбоблар билан жиҳозланиши зарур.

Хонанинг тузилиши биринчи навбатда ўқув-тарбиявий мақсадларга бўйсунади. Майдони, жиҳозларни танлаш ва ўрнатиш ҳар бир ўқувчига алоҳида иш жойи билан таъминлашни кўзда тутган ҳолда аниқланади.

Ўқувчиларни шуғулланиши учун битта ишчи ўрин майдони 6-8 м², умумий чилангар учун эса 4,4-5,4 м² бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш биносининг ҳажми битта ишловчи учун 15 м³ дан кичик бўлмаслиги лозим, битта ишчи эгаллаган майдон-4,5 м² дан кичик бўлмаслиги керак.

Ўқув устахоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ускуналарнинг нормал ўрнатилиши, жойлаштирилиши ва ишлаш учун шароитларга (майдон, бинонинг қавати, баландлиги, технологик потокни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ҳоказо);

- меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиена талабларига мувофиқ бўлиши (ёнғин ва портлаш хавфи бўлган бўлимларни, шунингдек чанг, газ, шовқин чиқадиган хоналарни асосий бинодан ажратиш; кўтариш-транспорт қурилмаларининг, ёнғин пайтида чиқиш йўллари ва ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги, нормал ва сунъий ёриткичлар, шамоллатиш қурилмаларининг мавжудлиги; бинода нормал иш ҳароратининг таъминланиши ва ҳоказо);

- ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига, бинонинг ранги ва бўёқ турлари (шифти оқ, деворлари оч сарик, панеллари оч яшил, деразалари оқ рангли бўлиши); безаклар ва мебел ғилофи ҳамда девордаги безаклар услубининг уйғунлиги, пол ва деразаларни яхшилаб тозалаш имкониятининг мавжудлиги ва ҳоказо.

2.1.2. Ўқув устахоналарини режаси

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва участкаларининг майдони ҳамда санитария-техника нормалари коллежда ўргатиладиган касб (токарик, чилангарлар, фрезерчилар, шлифовкачилар, хайдовчилар, механизаторлар, монтажчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар ва бошқалар) га қараб нормативлар билан белгиланади. Ўқув устахоналари режасини тузишда қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- 1) ўқув устахоналари машғулотларни ишлаб чиқариш таълими дастурига мувофиқ ўтказишга мослаштирилган ва операцион комплекс тизимга мувофиқ бўлиши керак;
- 2) ҳар бир бўлим майдони ва асбоб-ускуналари миқдорига кўра ҳамда бериладиган касбга мувофиқ 25-30 ёки 12-15 кишилик ўқувчилар гуруҳини бир вақтда ўқитишга мўлжалланади;
- 3) устахоналар умумгуруҳ (фронтал) усулида ўқитишга мосланган бўлиши керак;
- 4) агар устахона бир неча гуруҳни бир вақтда ўқитишга мўлжалланган бўлса, ўқув гуруҳининг иш зонасидан ўтиш йўлини беркитиш учун участкалар бир-биридан ажратилади. Бу билан устанинг барча гуруҳ билан машғулот ўтказиш учун зарур шароит яратилади;
- 5) амалиёт хоналарида ҳар бир касбнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутиб, алоҳида бўлимлар, шунингдек асбоблар ва материаллар сақланадиган омборхона, механика бўлими ва хоналар ташкил қилинади;
- 6) технологик жараён жиҳатидан боғлиқ бўлган бўлимларни бир-бирига яқинроқ жойлаштириш керак. Масалан, автомобилларни диагностикалаш ва уларга ТХК, чилангарлик устахоналарини дастгоҳ ўрнатилган бўлимларга-токарик устахонасини-фрезерлаш ва силлиқлаш бўлимлари ёнига, дурадгорлик устахонасини-ёғочга ишлов бериш бўлимларига яқин жойлаштирилади;
- 7) силлиқлайдиган, жилвирлайдиган ва чархлайдиган дастгоҳлар алоҳида биноларга ўрнатилади. Агар бу талабларни қондиришнинг имкони бўлмаса, бундай дастгоҳлар устига ҳавони сўриб олувчи вентиляция ўрнатилади;
- 8) иш жараёнида кўп миқдорда газ, чанг ёки кучли шовқин чиқарадиган, травматизм хавфи бўлган бўлимлар (темирчилик, қуймакорлик, қолиплаш, пайвандлаш, ёғочга ишлов берадиган, куч қурилмалари ва ҳоказолар) тўлиқ изоляция қилинади;
- 9) устахоналар дастурнинг мазкур темаси ўрнатилаётганида осиб ёки ўрнатиб қўйиладиган керакли кўрсатма куруллар, ГОСТ лар, жадваллар, малака тавсифлари, ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати билан таъминланади;
- 10) деворнинг бир томонига гуруҳ кўрсаткичлари доскаси (гуруҳ таркиби, унинг мажбуриятлари, ўқув-оммавий ишлар плани, «молния»лар, ўртак кўрсатган ўқувчиларнинг фаолиятлари (суратлар) ўрнатилади;
- 11) устахоналарнинг кўринадиган жойига биринчи ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон солинган аптечка ва қайнатиб совитилган сувли бак қўйилади;
- 12) ўқувчиларнинг иш ўрнидаги индивидуал асбоб-ускуналари комплекти ва чўтка, қириндини олиб ташлаш учун махсус хокандоз ва илгаклар бўлиши керак;
- 13) устахонада тозалаш учун ишлатиладиган материаллар, қиринди, қипиқни йиғишга мўлжалланган қапқоқли яшик, қиринди ва қипиқларни йиғиштириб олиш учун хокандоз-белқурак, устахонани таритбга келтириш учун чўткалар бўлиши керак;
- 14) ёнғинга қарши зарурий инвентар албатта бўлиши шарт.

2.2. Ўқувчиларнинг иш жойларини ташкил қилиш

Ўқувчининг иш ўрни ўқув дастури талабларига биноан ишлаб чиқариш таълими учун зарур ускуналар, асбоблар, приборлар, малакалар билан таъминланади. Иш хусусиятига, таълим даврига, ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатининг ташкил этилиш усулига қараб ўқувчиларнинг иш ўринлари яқка тартибда ва бригадаларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ремонтчи, чилангарлар, йиғувчи чилангарлар каби касблар учун бригадага мўлжалланган иш ўринлари хосдир.

Ўқувчиларнинг иш ўринларига нисбатан умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадига мувофиқдир:

ускуналарнинг техник жиҳатдан соз бўлиши, тўсиқлар, ерга улаш, ўз-ўзидан тўхтатиб қўйувчи мослама, химоя қурилмалари, сақлагичлар, кўтарма ускуналар ва ўқувчилар ишининг хавфсизлигини таъминловчи бошқа воситаларнинг мавжудлиги;

иш вақтида асбоблар, мосламалар, асосий ва ёрдамчи материаллар, тайёр маҳсулотни, ўқув-теника ҳужжатларини қулай ва ишончли тарзда сақлаш ва жойлаштириш учун қурилмалар билан таъминлаш;

иш ўрнини яхши ёритилган бўлиши, ўқувчиларнинг иш пайтида ўзларининг эркин ҳис қилишлари ва энг унумли ҳаракат қилишлари учун шароитнинг яратилиши, зарур ҳолларда ўтириб ишлаш учун қулайлик яратилиши;

зарур ҳолларда авария сигналини бериш учун мослама ёки устоз билан узоқдан алоқа қилиб туриш учун мослама бўлиши;

ускуналарга жорий хизмат кўрсатиш, уларни тозалаш ва йиғиштириш учун қулайлик бўлиши лозим.

Ўқувчилар иш ўрнини жиҳозлашнинг асоси-якка тартибда фойдаланиладиган ускуна, яъни ўқувчилар ўз касблари учун хос бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажарадиган ускуналардир. Бу техникага нисбатан асосий ўқув-техника талаблари: уларнинг касбга мослиги, конструкциясининг замонавийлиги, универсаллиги, бошқаришнинг нисбатан осонлиги, ихчамлиги, фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда қулайлиги, ишда хавфсизлигидир.

Ўқувчиларнинг иш ўринлари якка тартибда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар билан ҳам жиҳозланади. Асбоблар туркумини белгилашда унинг универсаллиги, фойдаланиш муддати, қиймати ҳисобга олинади. Одатда, ўқувчиларнинг иш ўринлари энг кўп ишлатиладиган асбоблар билан жиҳозланади. Ўқувчиларга ишда керак бўладиган бошқа асбоблар устоздан ёки асбоблар омборидан олинади.

Меҳнат ва иш ўрнининг тўғри ташкил қилиниши меҳнат унумини ошириш учун энг зарур шартлардан биридир. Меҳнат ва иш ўрни тўғри ташкил этилса, иш вақти тежалади, умумий иш шароити яхшиланади, меҳнат унуми ошади, маҳсулотнинг сифати яхшиланади ва таннархи камаяди.

Автомобилларни қисмларга ажратиш-йиғиш постида ўқувчига-чилангарнинг иш ўрни учун ажратилган майдон муайян талабларга жавоб бериши керак. Унинг бўйи 1,2 м дан ва эни 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак. Шунда ўқувчи верстақда ишлаганда унга ҳеч нарса ҳалақит бермайди ва у иш ўрнида эркин ҳаракатлана олади. Иш ўрни кундузи ҳам, кечаси ва тунда ҳам етарлича ёруғ бўлиши керак.

Верстокларни дераза яқинига ўрнатиш тавсия қилинади. Иш ўрнидаги электр лампочканинг нури ишчининг кўзига тушмай, у верстақ ёки тискида ишлаётган детал, буюмни ёритиш лозим. Бунинг учун химоя қалпоғи билан таъминланган кўчма электр лампочкасидан фойдаланиш керак. Верстақ тагидаги ва унинг атрофидаги пол бутун ва текис бўлиши лозим.

Тиски, ишчининг бўйича мос баландликда ўрнатилиши керак. Ўтириб ишлаш зарур бўлганда тискининг кўтариладиган ўтиргичидан фойдаланилади ёки кўтариб тушириладиган табуретка қўйилади.

Ишчи асбоблар ва контрол ўлчаш асбоблари верстақ яшигида муайян тартибда ётиши лозим. Йирик асбоблар яшик тубидаги алоҳида бўлимга, майда асбоблар эса тортмага қўйилиши лозим.

Асбобларни устма-уст қўйиш ярамайди, чунки улур бузилади, бундан ташқарии, керакли асбобни топиш учун ортиқча вақт сарф бўлади.

Ўқувчи ишга тайёрланган асбобларнинг ҳаммасини қабул қилинган умумий қоидага мувофиқ, верстақ устига тизиб қўяди:

- 1) ўнг қўл билан ушланадиган асбоблар ўнг томонга қўйилади;
- 2) бир қўл билан ушланадиган асбоблар чап томонга қўйилади;
- 3) бир қўл билан кўтариб бўлмайдиган буюмлар икки қўл билан олиш қулай бўлган жойга қўйилади;
- 4) тез-тез керак бўлган наосалар яқинроққа қўйилади;
- 5) камроқ керак бўлган нарсалар узоқроққа қўйилади;
- 6) контрол-ўлчаш асбоблари махсус токга ёки тахталар устига қўйилади.

Ўқувчи топширилган ишни бажарар экан, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши ва юксак меҳнат маданият намуналарини кўрсатиш лозим. Бирор асбобни ишлатиб бўлгач, дарҳол ўз жойига қўйиш керак.

Иш вақтида эҳтиёж туғилмаса, ортиқча ҳаракатлар қилмаслик керак. Шунда вақт ҳамда куч тежалади. Зарурат туғилмаса, иш вақтида иш ўрнидан четга кетмаслик керак. Хавфсизлик

техникаси қоидаларига жиддий риоя қилиш, иш ўрнида доимо тартиб сақлаш ва уни тоза тутиш лозим.

Иш тамом бўлгандан кейин йиғилган агрегатларни топшириши, асбоб, мослама ва механизмларни тартибга солиши, иш асбобини тозалаши ҳамда куруқ, юмшоқ латта билан артиши лозим; контрол-ўлчаш асбоблари аввало куруқ юмшоқ латта билан, кейинчалик мойли юмшоқ латта билан артилади. Ўқувчи доимо иш жойини тозалаши ва тўпланган чиқиндиларни чиқинди қутисига олиб бориб ташлаши лозим. Иш тамом бўлгандан кейин верстак ва бошқа жиҳозлар тозалаб артилиб устага топширилади.

Ишдан кетганда иш ўрнидаги электр лампани ўчириш керак. Ҳар бир ўқувчи бажарган ишини ҳисобга олиб бориши лозим. Шундай қилганда бажарган ишини таҳлил қила олади, операцияга қанча вақт кетганини билади, иш натижаларини таққослаб кўриб, тегишли хулосага кела олади.

2.3. Иш ўрнини ташкил этиш бўйича дарс материали

Технологик жараёни тўғри ва муваффақиятли бажариш иш ўрнини илмий асосда тўғри ташкил этиш лозим. Иш ўрни-ишлаб чиқариш цехи, автокорхона ёки автосервиснинг бир қисмини ташкил қилиб, бир ёки бир неча ишчиларга бириктирилади. Касб-ҳунар коллежларида эса лаборатория ёки ўқув амалиёти коллеж устахонасида ташкил этилиб, гуруҳ гуруҳчаларга бўлиниб, гуруҳча сардори тайинланади ва иш ўрнига жавобгар бўлади.

Иш ўрнини ташкил этишдаги талаблар:

- иш ўрнига ўрнатилган дастгоҳнинг баландлиги ўқувчи учун қулай ва иш бажаришни таъминлаш керак;
- асбоб-ускуналар қўл етадиган қулай бўлиши;
- иш қуроллари маълум тартибда, бир жойда туриши, тоза ва соз ҳолатда бўлиши;
- иш ўрнида ортикча нарсаларни бўлмаслиги;
- иш предмети билан ишчининг кўзи орасидаги масофа 450-550 мм бўлиши;
- асбоблар шкафи ва дастгоҳларида тортма қутилар бўлиши;
- иш ўрни бир меъёردа ёритилиши;
- хона ҳарорати меъёрдa бўлиши;
- иш ўрни тоза ва тартибли бўлиши;
- ёнғинга қарши воситалар билан таъминланиши;
- тиббий дори-дармонлар билан таъминланиши;

Ишчи кийими ҳаво – буғ ўтказадиган, ишчини ташқи муҳитнинг ноқулай таъсиридан асраши, ҳаракатга ҳалақит бермаслиги керак. Иш бошлаш олдида энг тугмалар қадалган, кийим етаклари ёйилмаган, соч бош кийим остига олинган бўлиши зарур. Оёқ кийим оёқдан чиқмайдиган, сирпанмайдиган, ифлосланиш ва жароҳатланишдан сақлай олиши лозим.

Умумий қоидалар. Автомобилга ТХК учун турғун ҳолатни таъминловчи махсус мослама, аравача ёки махсус ускуналардан фойдаланилади.

Кўтариш-тушириш жиҳозлари яроқли, ишлашга қулай ва хавфсиз бўлиши лозим.

Агрегат ёки механизм кўтарилган ҳолатда ТХК ман етилади. Илгак, занжир, камрагич ва юк кўтариш механизми бир йилда икки марта текширилиб, синаб кўрилади. Юкни кўтаришда оғирлик марказини ҳисобга олиш, айланиб кетиши ёки сурилишга йўл қўймаслик керак.

Ишлаб чиқаришда содир бўладиган жароҳатланишлар

Жароҳатланиш (грекча траума-яра) деб одам организмига ишлаб чиқариш омилларининг хавфли таъсири натижасида, яъни бахциз ҳодиса туфайли организм тўқималарининг жароҳатланиши ва ишлаш фаолиятини бузилишига айтилади.

Улар беихтиёр (лат ейиш, кесиб олиш, синиш, чиқиш ва бошқ),

- Кимёвий (кислота ва ишқорлар таъсирида қуйиш),
- Термик (одам организмига юқори ёки паст ҳарорат таъсир этиб, қуйиш, ёки совуқ уриши), электрдан қуйиш, тўқ уриш ва бошқ.
- психологик (қаттиқ ҳаяжонланиш, қўрқув ва бошқ) бўлиши мумкин.

Жароҳатланиш натижасида одам иш қобилияти вақтинча ёки доимий йўқотиши

мумкин. Бунда ишчи умумий иш қобилияти ёки касбий иш қобилиятини, ёхуд иккаласини ҳам йўқотиши мумкин;

Касб касалликларининг айрим ҳоллари касбий заҳарланиш деб ҳисобланади (ўткир ёки сурункали). Касб касалликларнинг етиологияси (келиб чиқиши) бўйича физикавий омиллар, чанг, кимёвий моддалар ва биологик омилларнинг одам организмига таъсир етишидир. Физикавий омиллар натижасида содир бўладиган касбий касалликларга қалтираш касаллиги киради ва у одам организмига титрашни таъсир қилишидан келиб чиқади. Одам организмига оғир жисмоний меҳнат, одам танасининг иш вақтида доимий егилиб туриши таъсир кўрсатади. Совуқнинг таъсири натижасида бел оғриши (радикулит) пайдо бўлади. Одам организмига чангнинг таъсир қилиши натижасида содир бўладиган касб касалликларига сурункали касбий, ўпка фибрози ва чанглардан узоқ вақт нафас олиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар киради.

Кимёвий моддаларнинг таъсири натижасида келиб чиқадиган касбий касалликларга сурункали ва ўткир заҳарланиш, ўткир ва сурункали тери касалликлари (дерматитлар ва екземалар) юз беради.

Санитария – гигиеник сабаблар: иш жойидаги ноқулай микроклим (ҳарорат, ҳавонинг намлиги ва ҳаракат тезлиги параметрларининг иш шароитларига мувофиқ келмаслиги), ёритилганлик даражасининг талабларига жавоб бермаслиги, иш жойларининг бетартиблиги ва ифлослиги, маиший хоналарнинг (ечиниш, ювиниш – чўмилиш хоналари, ҳожатхона ва бошқ) йўқлиги натижасида келиб чиқади.

Рухий ҳолат сабаби: ишнинг ҳамиша бир хиллиги, каттиқ жисмоний меҳнат туфайли зўриқиш, киши организмига иш жойининг руҳий анатомик- физиологик жиҳатдан мос келмаслиги, чарчаш, жамоатчилик орасидаги носоғлом муҳит туфайли келиб чиқади.

Хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитлари қуйидагилар: мос технология, иш тартиби, ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш, қулай иш шароитлари, хом ашёлар, ярим маҳсулотлар, иш ўрнини тўғри ташкил қилиш ва яроқли жиҳозлар, ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, хавфсизлик талабларини бажариш, касбга қараб танлов ўтказиш ва ишчиларни ўқитиш, техник-меъёрий ҳужжатларга хавфсизлик воситаларини киритиш билан таъминланади.

Технологик жараёнларни тўғри лойиҳалаш, ташкил етиш ва ўтказишда хавфсиз ишлаш талаблар олдиндан назарга олинади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда зарарли таъсирларнинг олдини олиш, ишдаги операция ва жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда масофадан туриб бошқаришни қўллаш, гиподинамияга еътибор бериш, ишни оқилона ташкил етиш шу билан бир қаторда оғир меҳнатни чегаралашни ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунингдек ўз вақтида ишлаб чиқариш хавфсизликлари тўғрисидаги маълумот, жараённи бошқариш ва назорат қилиш тизими, ўз вақтида чиқиндиларни зарарлантириш, чиқариб ташлаш хавф ва зарар туғдирадиган манбаларга алоҳида еътибор қаратиш.

Ишлаш ва дам олиш тартиби

Дам олиш ва иш жараёни тўғри тўғри ташкил етилиши шикастланишлар олдини олишнинг бирдан бир асосий шартидир.

Инсоннинг иш қобилияти унинг сезгирлиги, ишлаб чиқаришдаги ҳар хил хавфли ва зарарли омилларга таъсирчанлиги, иш жараёнининг узлуксизлигига боғлиқ.

Агар ишчи кун мобайнида узлуксиз кўрсатилган вақтдан ортиқча ишласа, унда жисмоний чарчаш билан бир қаторда руҳий чарчаш ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунинг устига ишчига узоқ вақт мобайнида жуда кўп қарорлар қабул қилиш ёки жуда кўп асбобларнинг кўрсаткичларига қараш тўғри келса, унда руҳий чарчаш жисмоний чарчашдан олдин келиши



1-rasm.

мумкин. Иш жойида шовқин, титраш, газ, чанг ва нурланишнинг бўлиши руҳий чарчашни тезлаштиради ва кишининг нотўғри ҳаракат қилишига, шикастланишига ёки авария ҳолатини вужудга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ишлаш ва дам олиш тартибига қатъиян риоя қилиш керак.

Детал ёки агрегатларни ювиш-тозалаш ишларида ювиш ускуналарида тўғри фойдаланиш зарур. Сиқилган ҳаво билан тозалашда ҳимоя

кўзойнаги тақиб олинадиган ва ҳаво оқимини ўзидан қарши томонга йўналтирилади. Учли ва кесиб кетиш ҳатимоли бўлган деталларни қўлқоп билан маҳкам ушлаб, сирпаниб кетишга йўл қўймасдан ишлаш керак. Мой, суюқлик ва лойли юзаларни тозалаб, артиб қуруқ ҳолатда ишлашга рухсат етилади. Иш жойида мой, суюқлик ва ифлослик бўлиши, ерга тўкилиши йиқилишга, жароҳатланишга сабаб бўлади. (1-расм)

Асбоб-ускуналарни ўз жойига тартиб билан қўйиш, иш жойини тоза тутиш, оёқ кийимни оёқда мустаҳкам туриши ва ишчи кийимни лойиқ ҳамда қулай бўлиши, иш жойини тўғри ташкил қилиниши-хавфсиз ишлашнинг зарурий талабларининг асосидир. Ҳар бир ишни бажаришда ўзига хос техника хавфсизлиги бўлиб, уларни иш олдидан барча ўқув амалиёти йўриқномасида тушунтирилиб, муҳандис-педагог томонидан амалда кўрсатилади.

Автомобил ва унинг агрегатларига ТХК ва ЖТ да

қуйидагилар бажарилиши шарт

1. Ҳар қандай ишни бажаришдан олдин барча қисм ва агрегатлар ифлосликдан тозаланиши.
2. Автомобил қандай кўтарилишидан қатъий назар, тушиб кетишидан сақлаш воситалари билан таъминлансин.
3. Двигател ишлаб турганда тагида ишламаслик.
4. Двигателни таъминлаш тизимига ТХК да аккумулятор клеммаси ажратиб қўйилиши керак.
5. Ёнилғи, мой ва бошқа суюқликларни тўкмаслик.
6. Ёнғин келиб чиқишига йўл қўймаслик.
7. Яроқсиз асбоб-ускуналарни ишлатмаслик.
8. Ишчи кийим, иш жойи ва асбоб ускуналарни тоза ва тартибли ҳолатда ишлатиш ва жойлаштириш.
9. Ўлчаш асбобларини ҳатийёткорлик билан ишлатиш, сақлаш, тушиб кетиши ва зарбадан сақланиши.
10. Ифлосликларни тозалашда, (чанг, суюқлик ва барча сачраши мумкин бўлган ҳолатларда) ҳимоя кўз ойнагидан фойдаланиш.
11. Сиқилган ҳаво, сувдан фойдаланишда ҳимоя кўз ойнагини тақиб ишланиши, сув ва ҳаво йўналиши танага қарама-қарши томонга йўналтирилиши.
12. Иш жойи, лаборатория хоналари шамоллатиб турилиши.
13. Бирор хавф-ҳатар сезилса муҳандис-педагогга мурожат қилиш.
14. Рухсат етилмаган ишга қўл урмаслик.
15. Ишлаётганларни фикрини бўлиб, чалғитмаслик ва ҳалақит қилмаслик.
16. Бир ишни охирига етказиб, кейин бошқасига ўтиш.
17. Електр симлари ва истеъмолчиларни қисқа туташини йўл қўймаслик.
18. Фақат рухсат етилган ишларни бажариш.
19. Аккумуляторга ТХК да кўрсатилган йўриқномага қатъий риоя қилиш.
20. Електр токи истеъмолчиларини қайта улашда қутбларини тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, текшириб, кейин ишга тушириш.
21. Лаборатория, устахона ва ишлаш хоналарида тегишли плакат ва ҳимоя воситалари билан таъминланиши.
22. Ювиш-тозалаш ашёлари, пасталар ва сурков мойлари номи ёзиб қўйилган идишларда сақланиши.
23. Ювиш-тозалаш ашёлари, паста ва сурков мойларини қўл билан олиш, суркаш ман етилади, унинг таркибида ҳар хил кимёвий моддалар, кислота ёки ишқорлар мавжуд.
24. Айланаётган ёки ҳаракатдаги деталларни мойлаш ёки ростлаш ман етилади.
25. Ҳаво билан ҳаракатга келувчи ёки механизациялаштирилган асбоблар билан ишлашда фойдаланиш қондасини ўрганиб, хавфсизлик техника қондаларига риоя қилиш шарт.
26. Ўрнатилган асбобни тўғри жойлашганлиги ва яхши маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилгач, ишни бошлаш.
27. Албатта бош кийим билан ишлаш мақсадга мувофиқдир.
28. Барча ўтиш жойлари ва йўлаклар очик бўлишини доимо таъминланиши.
29. Автомобилга ТХК ва жорий таъмирлашда, тўхтатиб туриш тормози, тормозлаш ёки/илдираклари остида тиргак қўйилишини таъминланиши.

30. Автомобилни кўздан кечириш чуқури ёритилмаган бўлса 12 В ли кўчма лампаларда фойдаланиш.


Етиланган бензин, етиленгинолли антифриз кучли заҳарланишни келтириб чиқаради. Одам аъзоларига тегса тезликда совуқ ва илиқ сув билан ювиш керак. Ишлаш жараёнида овқат истеъмол қилиш ман етилади, чунки бу заҳарланишга олиб келади. Мабода кўнгил айланиши содир бўлса, зудлик билан илиқ сув ичиб, қайд қилиб, ошқозонни тозалаш керак. Ҳар қандай ишнинг ўзига хос хавфсизлиги бўлиб, уларни иш олдидан ўрганиш, амал қилиш лозим.

Иш тугагач асбоб-ускуна ва иш ўрнини тозалаш, куруқ ҳолатга келтириб артиш, ўлчов асбоблари иш қисмларини техник вазелин ёки тоза сурков мойи билан мойлаб, ўз/илофига жойлаштириш.

Ушбу қўйилган талаб ва кўрсатмаларнинг бажарилиши хавфсиз ишлашнинг талаб ва шартларидир.

Автомобил кўтаргич ёрдамида кўтариб ТХК да кўтаргични бошқариш механизми ёки тугмачаси олдида «**Тенгманг, одамлар ишляпти!**»! деган ёзув тахтачаси илиб қўйилиши керак ва тушиб кетишни олдини олувчи механизм соз бўлиб, уни текширгач автомобиль остида ишлаш мумкин.

Автомобилни ювиш жойларида (постларида) атроф муҳитни ифлослантirmаслик мақсадида сув таркибидаги лой, мой, маҳсулотлари тозаланиб сувни қайта ишлаш ускуналарида фойдаланилади. Лойқа сувни тиниқ ҳолатга келтириш қурилмасининг чизмаси 2-расмда берилган.



2-расм.

1-қувур; 2-идиш; 3-лойқа сув тушиш қувури; 4-лой юклаш қувури; 5-насоснинг сўриш қувури; 6-сув насоси; 7-идиш; 8-сиқилган ҳаво юбориш қувури.

Нефт маҳсулотларини сувдан тозалаш қурилмаси 3-расмда берилган.




3-расм.

а) ишлаш услуги; б) нефт маҳсулотини ажратиш

1-кириш қувури; 2-қопқок; 3-қудук; 4-сув чиқиш қувури; 5-оқова сув канализация қувури; 6-нефт маҳсулотини чиқиш қувури; 7-идиш.

Ювиш сувини қайта тозалаб фойдаланиш имконини берувчи қурилма 4-расмда кўрсатилган.




4-расм. Ювиш сувини қайта тозалаш қурилмаси

1-чиқинди сув; 2-насос; 3-виброфилтр; 4-нефт ажраткич камераси; 6-тоза сув тўплагичи; 7-дағал филтр; 8-нефт йиғиш камераси; 9-жумрак; 10-ифлосни олиш қузури; 11-насос.

Аккумуляторга ТХК йўриқномаси

Автомобил батареясига ТХК да чекиш ва очик оловдан фойдаланиш ман этилади.




5-расм.

Бу 5-расмда кўрсатилгандек портлашга олиб келиши мумкин. Кислота куйдириши ва кўрғошиннинг зарарли таъсиридан сақланиш зарур, бунинг учун химоя кўзойнаги, резина кўлқоп, резина фартук ва резина етик кийиб ишлаш керак. Аккумуляторни зарадлаш хонаси яхши шамоллатилиши зарур, чунки ажралиб чиқадиган газлар нафас йўлига салбий таъсир қилиб, заҳарланишга ҳам олиб келиши мумкин.

Зарадланаётган аккумулятор банкасидаги барча тикинлар олиб қўйилиши шарт, чунки ажралиб чиқаятган газлар тўпланиши ва босим кўтарилиши мумкин, бу аккумуляторни ёрилиб кетишига ҳам олиб келади. УЗДАЕВОО автомобилларида ташқари! Ҳеч қачон (-) ва (+) кутбларни қисқа тушашувига йўл қўйманг. Мабода электролит тайёрлаш лозим бўлса, пластмассали ёки сопол идишдан тайёрланган идишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сувга H_2SO_4 кислота кам-камдан қўйилиб, шиша таёкчада аралаштириш лозим, чунки сув билан кислота аралашган кимёвий реакция ҳисобига иссиқлик ажралади. Бу жараёнда қуйиб қолиш еҳтимолини назарда тутинг. **Ҳеч қачон кислотага сув қуя кўрманг, у ўта хавфлидир, яъни портлаш ва куйдиришга олиб келади!**


Электролит ёки кислота тананинг очик қисмига тегса, дарҳол нашатир спирти ёки кучсизлантирилган сода еритмаси билан ҳўллаб артинг ва илиқ сувда совинлаб ювинг. Кислота ёки электролит билан ишлашда ўта еҳтиёткорлик қилиш зарур. Фақат рухсат етилган кислотага чидамли асбоб ускунадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. 6-расмда кўрсатилган.



6-расм.


1-аралаштиргич; 2-сўргич; 3-воронка; 4-идиш; 5-ареометр; 6-трубка; 7-юкланиш айриси.

Аккумулятор зарадлашга уланганда симлари ишончли маҳкамлансин. Ҳозирги пайтда зарадланиб бўлгач, автоматик ўчадиган зарадлаш ускуналари мавжуд бўлиб бу жуда қулай ва ишончлидир. 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Зарадлаш ускуналари.


Електролитни қуйиш, миқдори ва зичлигини аниқлаш асбоб-ускуналари 8-расмда берилган.



8-расм. Електролит тайёрлашда ишлатиладиган асбоблар

а)-электролит ёки кислотани олиб юриш арачаси; б) – ариометр турлари.


Автомобилга ТХК да уни кўтариш зарурати бўлса, гараж домкрати ёки махсус кўтаргичлардан фойдаланилсин. Кўтариш олдидан юксиз кўтарилиши ва тушиши текширилиб, хавфсиз ишлашга ишонч ҳосил қилинган, фойдаланинг. Кўтариш ва тушириш силтовсиз бажарилсин. Кўтаргич занжир ёки трос секинлик билан таранглаштирилган, кейин кўтариш аста-секинлик билан бажарилсин. Кўтариш пайтида юкни айланиб кетиши ёки илиниб қолишдан еҳтиёт бўлинг. Юк кўтаргичлардан фойдаланишда уни кўздан кечириб, чиқиб кетишдан сақловчи мосламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унинг тузилиши 9-расмда берилган.



9-расм.

3 — 1-юк кўтариш мосламаси; 2-ҳимоя қулфи; 3-илмоқ;

Юк кўтариш мосламаларининг турлари 10-расмда кўрсатилган.




10-расм.

А) тросли юк кўтаргичлар;

Б) занжирли юк кўтаргичлар.

Занжирли юк кўтаргичларнинг техник ҳолатини назорат қилиш қисми 11-расмда стрелкалар билан белгиланган.



11-расм. Юк кўтаргич

Юк кўтаргич кўпроқ емирилиб ишдан чиқиш қисми стрелка кўрсатилган.

Автомобил ва унинг агрегатларига ТХК ва жорий таъмирлашда иш бажариш жойи тоза ва зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминланиб, чиқинди ва ифлосликларни солишга қулай, тозалаш ускуналари билан таъминланган бўлиши керак.

Хонанинг таги зарбга чидамли, текис ва зич ҳолатда қопланган бўлиб, тозалашга қулай бўлгани мақсадга мувофиқ. Хона таги бетон, табиий тош ёки сементдан бўлганда, тахтадан тайёрланган таглик оёқ остида бўлиши керак.

Техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларида очиқ алангадан фойдаланиш, ифлосланган артиш материалларини дуч келган жойга қўйиш ёки ташлаш ман етилади. Бу ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Ишлаётганда ҳалақит қилмаслик ва фикрини бўлмаслик керак, бу қилинаётган ишни нотўғри бажаришга ёки шикастланишга олиб келади. Ифлосланган ерни зудликда билан тозалаш, агарда нефт маҳсулотлари тўкилса, қум ёки ёғоч қириндиси билан қуруқ ҳолатга келгунча тозалаб олиш керак.

3.1. Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил етиш ва хавфсизлик қоидалари мавзуси бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш.

Мақсад: Автомобилга ТХК ва ЖТ хавфсиз ишлаш усуллари ўрганиш.

Ўқув соатлари: 6 соат (240 дақиқа).

Модулни ўрганиш жараёнида эгалланадиган амалий кўникмалар:

- Автомобилга ТХК да техника хавфсизлиги қоидалари;
- Ёнғинни олдини олиш ва ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш олиш (А.1-модул);
- Автомобилни ЖТ да техника хавфсизлиги;
- Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўзлаштириш (А.1-модул);

Модулни ўрганиш давомида шаклланадиган назарий билимлар;

- Иш ўрнини ташкил етиш;
- ТХК ва ЖТ да қўйиладиган талаблар;
- Ишлаб чиқариш ва ўқув амалиётида содир бўладиган жароҳатланиш турлари;
- Ишлаш ва дам олиш тартиби;
- Аккумуляторга хавфсиз ТХК йўриқномаси (инструкцияси);

Керакли ўқув жиҳоз, асбоб ускуна ва ашёлар:

- Автомобилга ТХК учун иш ўрни;
- Калитлар тўплами;
- Тозалаш ва артиш ашёлари;
- Електр хавфсизлиги бўйича плакатлар;
- Ёнғинга қарши ўчириш воситалари;
- Жиҳозлардан фойдаланиш бўйича йўриқнома.

3.2. Ўқув амалиётини ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар

Дарс босқичлари	Таълим берувчи (муҳандис-педагог)	Таълим олувчи (ўқувчи)
1-босқич Кириш. (40 дақиқа).	Талабаларга ўзини таништириб, улар била танишади. Ўқув амалиёти мавзуси ва еришиш шарт бўлган мақсадни тушунтиради. Гуру талабаларини ўқув устахонасидаги тартиб – қонд ва ўқув дастури билан таништиради. Талабаларн гуруҳчаларга бўлиб, гуруҳ сардори тайинланади. Гуруҳ сардори иш ўрнидаги тозалик, тарти қоидага жавоб бериши уқтирилади.	Тинглаб керакли маълумотларни ёзи олишади ва ўзлаштиради.
2-босқич. Ўқув амалиёти устахонаси билан таништириш. (40 дақиқа).	Иш жойи билан таништириш давомида, жиҳозлар мослама, асбоб – ускуна, ёритиш чирокларин ёкиш, ўчириш, ҳаво алмаштириш қурилмаларин ишлатиш ва тўхтатиш, электр шити ва ёнғинг қарши жиҳозлар, ёнғин бўлганда одамларн кутқариш режа чизмаси билан таништиради.	Тинглаб, тушунарсиж жойлари бўлса, сўраб, кўриб, ўзлаштиришади.
3-босқич: Ўқув амалиёти билан таништириш. (120 дақиқа).	Жиҳоз ва ускуналарни хавфли иш қисм кўрсатилиб, еҳтиёт чора тадбирларини тушунтири амалда кўрсатади. Хавфсизлик техникаси в ёнғинга қарши йўриқномаларни гуруҳчаларг таркатади.	Кузатишади, керакли маълумотларни дафтарга ёзиб боришади.
4-босқич: Назарий билимларн текшириш. (тест) (2 дақиқа).	Ўқув амалиёти материаллари асосида тес материаллари тарқатилади. (Ҳар хил вариантла бўлиши тавсия қилинади). Топширикга қара жавоблар текширилиб чиқилади.	Тест материаллари билан ишлашади.
5-босқич: Якуний қисм. 20 дақиқа.	Тест материалларини ечишда йўл қўйилга хатоликлар кўрсатилиб, тўғри жавобла тушунтирилади. қилинган хатоликлар нимага оли келиш оқибатини тушунтириб мисоллар келтиради. Баҳолар ёълон қилиниб, кейинги амалиё мавзусини айтиб, қайтариш материалларин тушунтиради.	Ўқув амалиёти якунини тинглашади. Йўл қўйилган хатоликлар устида топширик олишади. Уй топшириғини дафтарга ёзиб олишади.

3.3. Ўқувчиларнинг билимларини текшириш учун намунавий тест саволлари

1. Кимёвий моддаларни таъсирида қандай касалликлар келиб чиқиши мумкин?

- А) сурункали ёки ўткир заҳарланиш;
- Б) тери касалликлари;
- С) куйиш;
- Д) барча жавоблар киради.

2. Касалланишнинг санитария-гигиеник сабаблари нима?

- А) ҳарорат, ҳаво намлиги ва шамоллаш йўли;
- Б) ёруғликни меъёрдан ортиқ ёки камлиги;
- С) маиший хизмат учун хоналарни йўқлиги, ифлослиги;
- Д) барча жавоблар киради.

3. Шикастланишнинг келиб чиқиш сабаби нимага боғлиқ?

- А) ишлаш ва дам олишнинг нотўғри ташкил етилиши;
- Б) инсонни сезгирлигига;
- С) инсоннинг епчиллигига;
- Д) А ва Б жавоблар.

4. Нима сабабдан шикастланиш содир бўлади?

- А) техника хавфсизлигига риоя қилинмаслиги;
- Б) ишни чала бажарилиши;
- С) фикрни бўлиниши ёки бепарволик;
- Д) А ва В жавоблар тўғри.

5. Юкни кўтаришда нимага аҳамият бериш лозим?

- А) кўтариш мосламаси ва кўтаргич ҳолатига;
- Б) юкнинг тури ва оғирлик марказининг жойлашишига;
- С) юкнинг оғирлиги ва кўтаргич имкониятига;
- Д) барча жавоблар тўғри.

6. Электродит тайёрлашнинг тўғри кўрсатилган жавобини топинг?

- А) дистерланган сув ва сульфат кислота тенг миқдорда олиниб идишга тенг қуйилади;
- Б) кислотага сув кам миқдорда қўйилиб аралаштирилади;
- С) сувга кислотани ингичка оқимда қуйилиб аста-секин аралаштирилади;
- Д) қандай тайёрланишининг аҳамияти йўқ.

7. Аккумуляторга ТХК да нима учун жуда еҳтиёткорлик талаб етилади?

- А) заҳарланиш мумкин;
- Б) куйдириши мумкин;
- С) портлаши мумкин;
- Д) барча жавоблар тўғри.

8. Танани очик юзасига электродит тегса нима қилиш керак?

- А) дори-дармондан фойдаланиш;
- Б) тозалаб артиш;
- С) зудлик билан сувда совунлаб ювиш;
- Д) барча жавоблар тўғри.

9. Қандай ҳолатда ТХК ва ЖТ га рухсат етилмайди?

- А) агрегат ва механизмларни кўтарилиб турган ҳолатида;
- Б) агрегат ва механизмлар ишлаб турганда;
- С) автомобил кўтарилган ҳолатда;
- Д) А ва Б жавоблар тўғри.

10. Қандай асбоб-ускунадан фойдаланиш мумкин емас?

- А) носоз;
 Б) қўлда ясалган;
 С) яроксиз;
 Д) барча жавоблар тўғри.

3.4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари

1. Модул рақами: А 44. 2. Мавзу: «Автомобилга ТХК да ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил етиш ва хавфсизлик қоидалари» 3. Модулни ўрганишга ажратилган вақт – 6 соат. 4. Модулни ўтказиш санаси	Баҳолаш варақаси													
	Ўқувчиларнинг исми шарифи:													
Баҳолаш мезонлари	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10.	11.	12.	13.	14.
1. Иш ўрнини ташкил етиш, ишлаш ва дам олиш тартиби.														
2. Автомобил ва унинг агрегатларига ТХК ва ЖТ да қўйиладиган талаблар.														
3. Аккумуляторларга хавфсиз ТХК.														
4. Ёнғинни олдини олиш ва ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш.														
5. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўзлаштириш.														
ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ														
ЖАМИ:														

Изоҳ: Топшириқ беш балли тизим асосида баҳоланади. Бунда топшириқ бўйича барча фаолият турлари инобатга оlinиб, уларнинг ҳар бирига баҳо берилиши шарт.

Ўқувчининг якуний баҳоси ҳар бир фаолияти тури бўйича оlinган баҳолари жамланиб фаолият турларининг сонига бўлиб топилади

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ (калит)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Д	Д	Д	Д	Д	С	Д	Д	Д	Д

4. 1. Педагогик тажриба ва унинг натижалари

Косонсой транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи “Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича” амалий машғулоти ўтиш жараёнида ўқувчиларни касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда касб-хунар коллежларининг Автотранспорт бўлимида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш бўйича дастурлар, автомобиллар ва двигателларга ТХК амалий машғулоти бўйича намунавий ва ишчи дастурлар, маъруза, лаборатория ва ишлаб чиқариш таълимига оид материаллардан фойдаландик.

Тажриба-синов ишлари Автотранспорт бўлими йўналишининг 3-босқичи ўқувчилари билан олиб борилди.

Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Такидловчи босқичда-илмий тадқиқот ишимиз материаллари асосида тажриба-синов ишларида қатнашувчи шахслар ва зқув муассасининг тайёргарлик даражаси аниқланади. Малакали ишчилар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурлар ташкил этилди.
2. Тадқиқотни ўзгартирувчи-шакллантирувчи босқичида ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий жихатдан бугунги кун талаби даражасида шакллантириш бўйича ўтказиладиган тажриба-синов ишлари учун зарур бўлган материаллар, кўрсатмалар ва чор-тадбирлар ишлаб чиқилди. Олинган натижалар умумлаштирилди суҳбат ва кузатишлар орқали ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражаси аниқланди.
3. Ҳал қилувчи босқичда “Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича” амалий машғулоти ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган усуллар, воситалар ва методлар тажрибада синаб кўрилди, уларнинг самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда назорат ва тажриба гуруҳларига берилган материаллар бир ўқитувчи раҳбарлигида бир хил методика ёрдамида синаб кўрилди ва иккала гуруҳ ўқувчиларида шаклланган техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакалар фарқлари таққосланди.. тажриба-синов натижаларини олишда биз назорат ва тажриба гуруҳларида замонавий педагогик технологиялар асосида лаборатория амалий машғулотлар, маърузалар фаол ўқитиш усулларида фойдаландик.

Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича” амалий машғулоти ўтишда ўқувчиларнинг техник малакаларини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларини натижаларини таққослаш учун “Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича” амалий машғулотида назорат ишлари ва лаборатория амалий машғулотлар баҳоларини асос қилиб олинди.

4.1-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари

Тартиб рақами	Гуруҳ	Ўқувчилар	Баҳолар				Ўртача баҳо
			5	4	3	2	
1	Назорат гуруҳи	26	7	7	10	2	3,73
1	Тажриба гуруҳи	26	11	11	4	-	4,27
Жами		52	18	18	14	2	4,00

Жадвалдаги натижалар таҳлили қуйидагича хулоса қилишга имкон берди::

А) Назорат гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар анъанавий усулда олиб борилган бўлиб, мавзулар ўқитувчи томонидан берилган. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўзлаштириши юқори бўлмайди.

Б) Тажриба гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар педагогик технологиялар, интерфаол стратегияларни қўллаш асосида ўтилди ва юқори натижаларга эришилди.

Олинган натижалар ушбу фанни ўқитишда интерфаол стратегиялардан фойдаланиш юқори самара бериши мумкинлигини кўрсатди.

5.1.Мехнат муҳофаза қилишни бошқариш

1. Мехнат муҳофаза қилишни бошқариш мазмуни ва моҳияти.

Давлат асосий вазифаларидан бири-корхоналардан тартиб вазирликларгача барча қатламларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқариш усуллари тақомиллаштириш орқали бутунлай ҳавфсиз ва соғлом иш шароитини яратишдан иборат.

Хўжалик механизмининг асосий бўғини бўлган корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш корхонани бошқаришни бири бўлади ёки подсистемаси ҳисобланиб, меҳнатни муҳофаза қилиш юқори даражада йўлга қўйилган тақдирдагина корхона ўз олдига қўйган вазифани муваффақиятли бажара олади.

Ҳар қандай бошқариш системасида аввало объектни мавжуд ва шу билан биргаликда уни бошқарувчи орган ҳам. Бошқариш жараёнида бу орган бошқарилаётган объектнинг ҳолати ва шу объект жойлашган муҳитнинг ҳолати тўғрисида етарли маълумотга эга бўлади. Шу маълумот асосида бошқарувчи орган тегишли қарор қабул қилади. Қабул қилинган қарорга асосан бир қанча ижро этувчи орган бошқарилаётган объектга таъсир кўрсатади. Баъзан бошқариш ва ижро этувчи органлар биргаликда бошқариш субъектни ташкил қилади, у ҳолда бошқариш системаси иккита подсистемадан: Бошқарувчи ва бошқарилувчи подсистемалардан иборат бўлади. (3 расм).

Барча ҳолларда бошқариш аниқ мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг мақсади инсонни меҳнат жараёнида соғлиғини ва ишлаш қобилиятини, унинг ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат. Меҳнат муҳофазасини бошқариш объекти бўлиб корхонада, ишлаб чиқариш участкаларида, цехларда, иш жойларида соғлом ва ҳавфсиз иш шароитини таъминловчи корхона структура бўлинмалари ва функционал хизматини фаолияти ҳисобланади.

Корхонада меҳнат муҳофазасини бошқаришни корхона раҳбари амалга оширади. Функционал хизмат ва структура бўлинмаларида бошқарувчи уларни раҳбарлари олиб боради.

Меҳнат муҳофазаси бошқарувчи системасини норматив ва методик асослари /ташқи информация/ бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: меҳнат қонунчилиги актлари, ҳукумат қарор ва топшириқлари, норматив ва норматив - техник ҳужжатлар.

Меҳнат муҳофазаси бошқарувчи системаси /ММБС/ни тақомиллаштириш фақат бошқарилаётган объектни ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлингандагина мумкин. Маълумотлар алоҳида ишлаб чиқариш ва иш жойларида меҳнат ҳавфсизлигини характерловчи микдор ва сифат кўрсаткичлари ҳолида қабул қилинади.

Корхонада меҳнат муҳофазаси бошқарувчи функциялари қуйидагилар:

- меҳнат муҳофазаси ишларини режалаштириш;
- меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишларни ташкил қилиш;
- меҳнат муҳофазаси бошқарув системасини рўйхат ва анализ қилиш;
- меҳнат муҳофазасини ва меҳнат муҳофазаси бошқарувчи системасини ҳолатини назорат қилиш;
- меҳнат муҳофазаси ишларини тақомиллаштириш;

Корхонада меҳнат муҳофазаси бошқарувига қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилинганда эришиш мумкин.

- меҳнат муҳофазаси саволларини тарқатиш ва ишчиларни меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларини ўрганиш;
- иш жиҳозлари ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ҳавфсизлигини таъминлаш;
- иморатлар ҳавфсизлигини таъминлаш;
- меҳнат шароитини санитария гигиена жиҳатидан нормаллаштириш;
- ишларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- ишчиларни меҳнат ва дам олишни оптимал режимлари билан таъминлаш;
- ишларга давомат профилактик хизматни йўлга қўйиш;
- санитар мойиш хизматни йўлга қўйиш;
- ишловчиларни алоҳида касблар бўйича саралаш;

2. Меҳнат муҳофаза қилишни бошқариш мазмуни ва моҳияти Меҳнат муҳофазаси ишларини режалаштириш.

Меҳнат муҳофазаси бошқарувини етакли функцияси бўлиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларини режалаштириш ҳисобланади. Режалаштириш ишларига қадар ишлаб

чиқариш травматизми, профессионал касалликлар ва бошқа курсаткичлар бўйича прогнозлаштириш ишлари олиб борилиш зарур.

Ишлаб чиқариш травматизмини прогноз қилиш травматизмининг бир неча йиллик кўрсаткичлари анализи асосида олиб борилади:

Меҳнат муҳофазаси планлаштириш перспектив /беш йилик/, жорий /йиллик/, ва оператив /квартал, ойлик/ планлаштиришга бўлинади. Ҳозирги пайтда перспектив планлаштиришни асосий формаси меҳнат муҳофазаси ва санитар соғломлаштириш ишларини йўлга қўйишга қаратилган. Бу планларини жорий қилиш меҳнат коллективи шартномасини бир қисми бўлган меҳнат муҳофазаси бўйича номенклатура тадбирлари орқали амалга оширилади.

Жамоа шартномада меҳнатни ташкил қилишидан тартиб иш шароитини яхшилаш, ишчиларни тарбиялаш, маиший хизмат, маданият ишлари ўз аксини топади.

Перспектив ва жорий планлар ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат шароитини санитар техник ҳолатини анализи натижаларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш травматизмини сабаблари анализи, профессионал касалликлар, корхона ходимларини фикрларини, профсоюз комитети ходимларини фикрларини ҳисобга олинади. Бунда цехнинг санитар техник паспорти муҳим аҳамиятга эга. Бундай паспорт 1979 й. Қабул қилинган. Санитар- техник паспорт меҳнат муҳофазаси қоида ва нормаларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш участкаларини текшириш ишларини ҳужжатлаштириш учун мўлжалланган.

Меҳнат муҳофазаси касаллари шунингдек, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни, бошқаришни илмий ташкил қилиш, оғир қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаш, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, корхоналарда ишни кузги-қишги мавсумга тайёрлаш:

Меҳнат муҳофазаси бошқариш системасини зарурий шартларидан бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, йиғиш, рўйхатга олиш кабилар ҳисобланади. Бунда телефон, телевизор, телетайп, механизациялашган автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш системаларидан фойдаланилади.

Маълумотларни қайта ишлаш системасида барча йиғиш ишлари қўлда бажарилади. Маълумотларни қайта ишлашни механизациялашган системасида бир қанча ишларда техник жиҳозлардан фойдаланилади.

Қайта ишлашни автоматик системасида маълумот йиғишни барча этаплари автоматик равишда, инсон иштирокисиз бажарилади.

Саноат корхонасини автоматизациялашган бошқариш системаси деб шундай бошқариш системасига айтиладики, бундай маълумотларни қайта ишлашда замонавий автоматик жиҳозлардан /ЭХМ, регистрация мосламаси/ ва корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш масалаларини ечишда иқтисодий математик металлдан фойдаланилади.

Меҳнат муҳофазаси бошқарувини автоматизациялашган системасини подсимаси бўлиб ҳисобланади ва бу подсистема маълумот ўтказишни тезлаштиради, уни тўғрилигини ифодалайди, ишлаб чиқаришда касалланиш ва жароҳатланиш сабабларини ўз вақтида аниқлашга имкон беради.

Меҳнат муҳофаза қилишни бошқариш мазмуни ва моҳияти Меҳнат муҳофазаси ишларини режалаштириш.

Ишчиларга меҳнат муҳофазаси ўргатиш.

Корхона соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитини яратишга қаратилган муҳим вазифалардан бири танланган касбга яроқлиги ва уни меҳнат фаолиятига тайёрлашдир. Маълумотларга кўра, ўзини психиологик сифатлари танлаган касбига тўғри келадиган ишлар орасида жароҳатланиш бошқа ишчиларга қараганда 40-50% кам учрайди.

Касбга йўналтириш тибий ва касб бўйича маслаҳатидан сўнг танланган касби бўйича тавсияномадан иборат. Танлаш бўйича корхоналарда касб танлаш ва касбга йўналтириш хоналари ташкил этилади.

Касб бўйича ташлашга, иш бошлашдан аввал ва иш даврида тибий кўригидан ўтишга, аввало зарарли шароитларда, юқори жисмоний ва эмоционал зўриқиш билан ишловчи кишилар тортилади.

Кишини меҳнат фаолиятига тайёрлаш тибий кўриги ва касб бўйича танлаш билан чегараланибгина қолмайди. Кейинги босқич ишчиларни меҳнат ҳавфсизлигига ўргатиш ҳисобланади.

Бунга ўқитиш ишлари барча корхоналарда.

- Янги ишчилар тайёрлашда
- Ҳар хил инструктажлар ўтказишда;
- Малакасини оширишда;

олиб боради.

Ишчиларни меҳнат ҳавфсизлигини қоидаларига ўқитишни ташкил қилишни умумий қоидалари ГОСТ 12.0.004-79 «ССБТ. Ишчиларни меҳнат ҳавфсизлигини қоидаларини ўрганишни ташкил қилиш. Умумий қоидалар» да кўрсатиб ўтилган.

Янги ишчиларни меҳнат ҳавфсизлигини қоидаларига ўргатиш уларни касби бўйича ўқитилаётган вақтда олиб борилади. Меҳнат ҳавфсизлиги билимларини қай даражада эгаллаганишни малакали комиссияга имтиҳон топшираётганда текширилади.

Корхона администрациясига ўтказиш вақти ва характериға кўра қуйидаги инструктажлар ўтказиш юқладилади:

Кириш, бирламчи, такрорий, пландан ташқари, жорий инструктажлар.

Кириш инструктажини меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис ёки уни вазифасини бажарувчи шахс ўтказилади. Бу инструктаж барча ишга кирувчилар, командировкадагилар, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётганлар учун ўтказилади. Инструктаж программаси меҳнат ҳавфсизлигини стандартлари талабаларига асосан ишлаб чиқилади. Бу программа корхона раҳбари ва касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши керак. Кириш инструктажи ўтказилганлиги ҳақида ва инструктаж ўтказган шахсни имзоси, ундан ўтган шахсларнинг имзоси барча махсус журналга қайд қилинади.

Бирламчи инструктаж иш жойида бевосита раҳбар орқали ўтказилиб, барча ишчилар, командировкадагилар, талаба ва ўқитувчилар, шу билан бирга шу корхона территориясида қурилиш монтаж ишларини олиб боровчи қурувчилар билан ўтказилади.

Бу инструктажни асосан меҳнат ҳавфсизлигини талабаларига жавоб берадиган йўналишлар ва алоҳида касблар бўйича йўналишлар ва алоҳида касблар бўйича йўналишлар ҳисобланади. Инструктаждан кейин ишчилар 2-5 смена давомида мастер ёки бригадир назоратида ишлайди, шундан кейин уларга мустақил ишлаш мумкинлиги тўғрисида инструктаж ўтказган шахсни имзоси билан бирга махсус журналга ёзиб қўйилади.

Бир қанча касбларга /масалан: электромонтёр/ меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан юқори талабалар қўйилади. Бундай касб эгалари иш жойидаги бирламчи инструктаждан аввал, министриликлар ва касаба союз марказий комитети томонидан тасдиқланган алоҳида ўқув программасини утайдилар.

Корхонани бир қанча ишловчилари, яъни бажарилаётган ишлари жиҳозларга хизмат кўрсатиш, ремонт қилиш, синаш, асбоблардан фойдаланиш, хом ашё ва материалларни сақлаш кабилар билан боғлиқ бўлмаганлар бирламчи инструктаждан озод қилинадилар. Бундай ишловчиларнинг рўйхатини корхона маъмурияти касаба союз комитети билан келишиб тасдиқлайди.

Такрорий инструктаж бирламчи инструктажни ўтаган барча ишчилар билан уларни меҳнат муҳофазаси билимлари даражасини текшириш ва уни ошириш мақсадида ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда пландан ташқари инструктаж ўтказиш ҳоллари туғилади:

Меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ўзгарганда, хизмат кўрсатилаётган объектда ўзгаришлар бўлганда, ишловчилар томонидан меҳнат муҳофазаси инструкцияси бузилган тақдирда жароҳатдан сўнг, авария, портлаш, ёнғинлар содир бўлгандан кейин, узоқ муддатли танаффусдан кейин иш бошлаганда;

Жорий инструктаж наряд-рухсатномаси тўлдирилган ишловчилар билан (т) ишни бажаришдан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганлиги тўғрисида наряд рухсатномага ёзиб қўйилиши керак.

Малака оширишда меҳнат муҳофазасини ўқитиш ишчилар билан бирга инженер - техник хизматчиларга ҳам олиб борилади. Ишчилар меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини малака ошириш курсларида ошириши мумкин.

Инженер - техник хизматчилар институтларда, факултетларда, махсус курсларда меҳнат ҳавфсизлигига оид билимларини оширадилар.

Ўқитиш ишлари бўйича дастурлар шу соҳа вазирликлари ва касаба уюшма марказий комитети билан биргаликда тасдиқланади. Инженер - техник хизматчиларни ўқитиш ишлари ҳар 3 йилда ўтказилиб турилиши керак.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасини ташвиқот қилиш ва кириш инструктажини

ўтказиш бўйича стационар ва кўчма меҳнат муҳофазаси хоналари ташкил қилинади.

Бу хонани тузилиш Давлат меҳнат комитети ва касаба уюшма марказий комитетини 1978 йил 8 июнда тасдиқлаган. Низомидаги кўрсатмаларга мос келиши керак. хоналар адабиётлар, ўқишни техник мосламалари, зарур жиҳозлар, амал қилаётган модел ва схемалар билан таъминлаган бўлиши керак.

Ишчиларни меҳнат ҳавфсизлигига ўқитиш кўп ҳолда корхонадаги жароҳатланишни профилактикаси билан боғлиқ, шунинг учун бу вазифани бажаришга катта эътибор берилади.

Бу ишларни ажралмас қисми бўлиб, меҳнат муҳофазасини ташвиқоти ҳисобланади. Унинг вазифасини: Меҳнат муҳофазасига қизиқиш уйғотиш; меҳнат муҳофазаси бўйича бирор тадбир ўтказишни зарурлигини кўрсатиш; меҳнат муҳофазаси тадбирларига тушунган ҳолда ёндашишни шакллантириш; Меҳнат муҳофазасини таъминлашни янги воситаларини кенг қулай ёйдириш;

Ташвиқот ишларини тўғри ташкил этиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ва ҳавfli ва зарарли ишлаб чиқариш факторлари мавжуд бўлган жойларда ўзини қандай тутиш кераклигини эслатиб туради.

Бу ишларни олиб бориш учун хилма-хил методик ва формалардан фойдаланилади.

Конференциялар, йиғилишлар, семинарлар, радио-телевизион эшиттиришлар, экскурсия, кўргазма, кино кунлари ва бошқаларни шунга киритиш мумкин.

Ташвиқот воситалари сифатида маъруза, суҳбатлар, китоблар, плакатлар, магнито филмларни киритиш мумкин. Ташвиқотларни энг яхши воситаларидан бири кино ҳисобланади. Мамлакат экранларига йилига 50дан ортиқ ўқув, илмий оммабоп, ҳужжатли бадий ўйин, ташвиқот филмлари ва 40дан ортиқ диафильмлар чиқарилади.

Хулоса

Менга битирув малака иши сифатида **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш (Косонсой транспорт ва алоқа КХК мисолида)** мавзуси бириктирилган эди. Битирув малака иши олди амалиёти даврида Косонсой транспорт ва алоқа касб ҳунар коллежи ишлаб чиқариш базаларини таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда коллежда ҳамма ўқув хоналари ва устахоналар жиҳозланган. Касб-ҳунар коллежи Жанубий Корея республикаси гранти асосида жиҳозланган. Жиҳозлар ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш устахонасини таҳлили шуни кўрсатадики, устахонада ҳамма жиҳозлар етарли даражада ўрнатилган, лекин кўпгина жиҳозлар олиб келинган вақтидан ҳозиргача ишга туширилмаган. Сабаби баъзи жиҳозларни ўрнатиш учун мутахассис бўлмаган, баъзиларини қисмларида камчиликлар бўлган.

Бундан ташқари биз амалиёт ўтган даврда коллеждаги ўқув амалиётлари деярли ўтилмади. Жиҳозланган устахонани таҳлил қилганимизда, хонани бандлик коэффиценти жуда юқори, жиҳозлар тигиз жойлаштирилган амалиёт ўтиш учун етарли шароит яратилмаган, ўқувчиларни иккита ёнма-ён жойлаштирилган жиҳозларда ишлаган вақтларида бир-бирига ҳалақит беришади. Ишчи ўринлари меъёридан кам. Амалиёт ўтиш учун текшириш жиҳозлари, калитлар тўплами, кўтаргичлар, домкрат ва бошқа керакли жиҳозлар йўқ. Талабаларни мустақил ишлаши учун касб ҳунар коллежида шароит йўқ. Талабалар автомобилни тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, электр жиҳозлари ва бошқа мутахассислик фанларидан амалий иш бажаришлари учун автокорхоналарга ёки устахоналарга бориб ўрганиб келишларига тўғри келади. Бундан ташқари автомобилларни куч узатмаларини қисмларга ажратиш ва йиғишлари учун технологик хариталар, кўрсатмали материаллар ва электрон кўргазмалар йўқ. Устахоналарда иш ўринлари тўғри ташкил этилмаган ва хавфсиз ишлаш учун йўриқномалар ва кўрсатмалар ҳамда электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва кўтариш-ташиш қурилмаларида ишлаш учун махсус белгилар қўйилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз битирув малака ишида Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб ҳунар коллежи базасида **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда (ТХК) ва жорий таъмирлашда (ЖТ) иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб чиқишни** мақсад қилиб олинди. Битирув малака ишини умумий қисмида касб ҳунар коллежини тавсифи, малака тавсифи, битирув малака иши мавзусини асослаш берилган. Асосий қисмида ўқув устахонасини лойҳалаш, ўқув устахонасининг вазифаси ва унга қўйилган асосий талаблар, ўқувчиларнинг иш жойларини ташкил қилиш ва автомобилларга ТХК ва ЖТ иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича дарс материали берилган.

Ўқитиш методикаси қисмида **Автомобилга техник хизмат кўрсатишда ва жорий таъмирлашда иш ўрнини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича методик тавсия ишлаб** чиқилган. Меҳнат муҳофазаси қисмида ишчиларни хавфсиз ишлашини таъминлаш кўзда тутилган.

Битирув малакавий ишида тавсия этилган лойиҳа Республикамизни молиявий-иқтисодий инкирозни таъсирини камайтириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳамда ёш авқлодни тарбиялашга қўшилган кичик бир ҳисса бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т.: Маънавият, 2009 йил, 173 бет
2. И.А.Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» Т.: Маънавият, 2008 йил. 173 бет.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда», - Т.: Шарқ, 1999
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари», - Т.: Шарқ, 1998
5. Ўзбекистон республикасида автомобил саноатини ривожлантириш ва уларни эксплуатациясини ташкил этиш юзасидан ҳукумат қарорлари, етук олим ва мутахассисларнинг фикрлари, чиқишлари ва илмий мақолалари (1991 йилдан шу кунгача)
6. И.А.Каримов Олий таълим муассаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратadbирлари тўғрисидаги қарори. Ўзбекистон овози, 2011 йил 21 май, № 100.
7. Ғуломов С.Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: Назария ва амалиёт. Т.: Ўзбекистон, 2006
8. Ишматов Қ. Педагогик технология. Наманган, НамМПИ, 2004
9. Зуннунов А. Педагогика назарияси. Т.: Алоқачи, 2006
10. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: Ўзбекистон, 2003
11. Ҳамидов А. Олий техника ўқув юртларида муаммоли ўқитишнинг янги педагогик технологиялари. Т.: ТошДУ, 2003
12. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: ФАН, 2004
13. Баровских Ю.И. ва бошқалар Автомобилларни тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш. Т.: Мехнат, 2001
14. Файзуллаев Э. Транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси Т.: Янги аср авлоди, 2006
15. Файзуллаев Э.З. ва бошқалар Транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси. Т.: Зарқалам, 2005
16. Вахламов В.К. Подвижной состав автомобильного транспорта. М.: Академия, 2003
17. Вахламов В.К., Шатров М.Г., Юрчевский А.А. Автомобили: Теория и конструкция автомобиля и двигателя. М.: академия, 2003
18. Иванов А.М., Солнцев А.Н., Гаевский В.В. Основы конструкции автомобиля. М.: Книжное издательство за рулём, 2005
19. Файзиев М.М. ва бошқалар. Ички ёнув двигателлари. Т.: Турон-Иқбол, 2007
20. Полвонов А.С., ва бошқалар. Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар, Т.: Фан, 2003
21. Маткаримов К.Ж., Маҳмудов Б.Ж., Норқулов А.А. Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар. Т.: Талқин, 2004
22. Автомобилларни техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари учун дарсли. Қайта ишланган ва тўлдирилган 4-нашри. Е.С.Кузнецов, А.П.Болдин, В.М.Власов ва бошқалар. Проф.Қ.М.Сиддиқназаров таҳрири остида тарғжима қилинган. Т.: ВОРИС, 2006
23. Ҳамроқулов О., Магдиев Ш. Автомобилларни техник эксплуатацияси. Т.: Тошкент, 2005
24. Мусажонов М.З. Автотранспорт корхоналарини технологик лойиҳалаш. Т.: ФАН, 2006
25. Маҳмудов Ғ.Н., Ҳамроқулов О.Ҳ. Автомобилларни электр ва электрон жиҳозлари 1 ва 2-қисмлар. Жиззах, ЖизПИ, 2007
26. Мусажонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини технологик лойиҳалаш. Т.: ВОРИС, 2006
27. Кулмуҳамедов Ж.Р. ва бошқалар. Автомобил ва двигателларни таъмирлаш. Т.: ФАН, 2003
28. Дадамирзаев Ғ. Абдурахмонов С. Касб таълими йўналиши бакалаврларининг битирув малакавий ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма, Наманган, 2009